КИШЛОКДА ТУКИЛГАН ГИЛАМЛАР

СЎНГГИ СОАТДА

САМАРҚАНД. Ургут туманидаги Ҳамза номли агрофирма хўжалигида гилам тўқиш бошлаб юборилди. Бу ерда ишга туширилган цехда 50 нафар гиламдўз хизмат қилади. "Хом ашёни "Навоийазот" бирлашмаси билан Хива гилам фабрикаси ўзаро келишув асосида етказиб бермоқда, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Эргаш Отамуродов. — Ойига 300 — 400 минг сўмлик Хива гиламига ўхшаш пат ва тақир пойандозлар ишлаб чиқарилмоқда".

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

ЮКСАК МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎК

ЖИЗЗАХ. Вилоят ҳокимлигида "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими томонидан "Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устивор йўналишидир" мавзуида анжуман ўтказилди.

Мазкур анжуманда республика "Маънавият ва маърифат" марказининг раҳбари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёевлар маъруза қилишди. Шунингдек, йиғилганлар ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Адиба ҒОЙИБОВА.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАДАНИЯТ

ТОШКЕНТ. Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти олимларидан Мамажон Раҳмонов, Абдулҳай Умаров, Тўхтасин Ғафурбеков ва Муҳсин Қодировлар муаллиф бўлган янги рисола босмадан чиқди. Бу китоб "Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат" деб номланган. Муаллифлар хайрли ишга қўл уриб, узоқ изланишлардан кейин Соҳибқирон ва ундан кейинги даврларда маданият ва санъат гуркираб ривожланганлиги омилларини очиб беришга ҳаракат қилишган. Рисола уч минг нусхада чоп этилди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

НУКУС. ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг навбатдаги XII пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVI пленуми қарорларининг бажарилиши, йил мобайнида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Бу ҳақда ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов сўзлади. Пленум ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси С. Авезматов иштирок этди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

СЎНГГИ СОАТДА КУЛГИЮ - ҚУШИКЛАР ЯНГРАДИ

БУХОРО. Когон вилоятнинг саноати ривожланган туманларидан. Яқинда ана шу туманда катта байрам бўлди. Тантаналар ўйингоҳда ташкил этилди. Йиғилганларни туман ҳокими Ҳамид Равшанов қизғин қутлади. Санъаткорлардан Бобомурод Ҳамдамов билан Эргаш Каримовнинг чиқишлари кўпчиликни мамнун этди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 26 декабрь, пайшанба № 163 (22.084).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

СИЗ БУ СЕССИЯДАН НИМАЛАР КУТЯПСИЗ?

Махсус мухбирларимиз шу савол билан тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларига мурожаат қилишди

Шошиб келаётган икки йигитни тўхтатдик. Иккаласи ҳам бир соҳа вакиллари — иқтисодчилар экан. Улардан бири — **Азамат МАҲМУДОВ** Самарқанд вилоятидан. Иккинчиси — **Нурмуҳаммад КОМИЛОВ** — Навоий вилоятидан.

— Энг асосийси, — деб гап бошлади А. Маҳмудов,

Депутатларни рўйхатга олиш пайти.

— сессияда 1997 йил бюджети масаласи муҳокама этилади. Депутатларимизнинг ана шу муҳокамага қайси нуқтаи назардан туриб ёндашишлари мустақил мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг қиёфасини белгилаб беради деб ўйлайман.

— Чунки, — дейди Н. Комилов, — бюджет бақувватлиги ҳар қандай давлатнинг обрўйи ҳисобланади. Қолаверса, бюджетимиз қанчалик бой ва мустаҳкам бўлса, дастурхонимиз тўкин, турмушимиз фаровон, болаларимизнинг келажаги ҳам порлоқ бўлади. Азаматнинг гапига тўлиқ қўшиламан. Депутатларимиз муҳокама этилажак бюджет масаласига алоҳида масъулият билан қарашлари лозим.

Навбатдаги суҳбатдошимиз **Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.** Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидан:

— Мен ҳам сизлар билан ҳамкасбман. Сессиядан барча журналистлар каби жуда кўп нарса кутяпман, Ахир яқин орада биз — қаламкашларга бунчалик эътибор қаратилмаган эди. Бу сессияда эса биз журналистлар учун алоҳида иккита қонун қабул қилиниши назарда тутилган.

Ўзидан катта икки сумкани судрагандек кўтариб кетаётган опа, ўзини таништиришни истамади. Лекин фикр билдирди:

— Қани энди сессияларингдан кейин бозорларни текширувчиларнинг сони камайса. Ҳадеб ҳужжат сўрайвериб энка-тенкангни қуритиб юборишади.

Яна бир ўзини таништиришни истамаган зиёлинамо киши эса қўл силтаб қўяқолди.

— Агар гап билан бирон нарса ўзгарса олам гулистон бўларди.

Деҳқон бозорида картошка сотиб ўтирган киши ҳам исми-шарифини айтишни истамади. Лекин унинг фикрлари тийрак эди:

— Қани энди депутатларимиз деҳқоннинг ҳақи учун талашсалар. Баъзан ойлаб маош олмаймиз. Жамоа хўжалиги раҳбарлари иш талаб қилишни билишади. Маош беришга келганда дамлари ичига тушиб кетади. Шунинг учун ҳам бола-чақани бозорма-бозор юриб боқишга мажбурмиз. Худога шукр, юртбошимиз бу масалага ҳам эътибор қаратяптилар. Ажабмас, сессиядан кейин биз ҳам ўз меҳнат ҳақимизни олиб қолсак...

Яна бир суҳбатдошимиз **Муҳиддин ЖЎРАЕВ** Қашқадарёнинг Касби туманидан:

— Депутатларимиз таълим соҳасидаги ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратишларини истардик. Ота-боболаримиз «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни» деб бекорга айтишмаган. Ҳар қандай

Сессияга ҳамма нарса тахт.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ҳолатда ҳам барибир бош масала билим олиш, ўқиш-ўқитиш бўлиши керак деб ўйлайман.

АЗИЗА, талаба:

— Телевизордан эшитиб қолдим. Лекин, қандай масалалар муҳокама қилинаётганини билмайман. Чунки, газеталарни ўқимайман.

Бахтиёр САИДОВ, журналист:

— Сессия кун тартибига қўйилган масалалар орасида бизнинг касбимизга оидига тўхтала қолай. Улар бугунги кунда шу соҳа ходимлари учун жуда долзарб ва катта аҳамиятга эга. Ҳамон бизда ахборот тақчиллиги сезиляпти. Ва журналист халқи ҳимояга муҳтож!

Ўрол ХОЛИҚОВ, тижоратчи:

— Қандай сессия бўляпти ўзи?

Наргиза АЛИБОЕВА, Тошкент тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ип йигирувчиси:

— Президентимиз янги йилни инсон манфаатлари йили, деб эълон қилди. Менимча, сессияда ҳам шу улуғвор даъват депутатлар эътиборида бўлади.

Фахриддин МИРЗАЕВ, 3-таксисарой ҳайдовчиси:

— Радиоприёмнигимда эшитаяпман. Бўладиган сессия олдидан ҳар бир сиёсий партиянинг фракция йиғилишларида кун тартибидаги масалалар муҳокама этиляпти. Ўйлайманки, сессия иши яхши якунланади. Фуқаролар ва мамлакатимиз учун керакли қонунлар қабул қилинади.

Ҳа, мамлакат парламентининг навбатдаги анжумани халқимиз ҳаётида туб ўзгаришларга эришилишида муҳим омил бўлади деб умид қиламиз.

Сўровни Норқобил ЖАЛИЛ, Ислом ҲАМРО, Эркин ЭСИРГАДИЕВлар ўтказишди.

ЖАҲОН БОЗОРИ ... БЎЛСИН

НАМАНГАН. Вилоятда бозор кўп. Йигирмадан ортиқ. Аксарияти қайта қурилди, кўплари бежирим таъмирланди. Лекин улгуржи ва чакана савдо қиладиган йирик бозорга эҳтиёж, айниқса сезилиб қолди. Шу муаммони ҳал этиш йўлида яқинда маслаҳат бир ерга қўйилди.

Шаҳардаги «Лола» бекати ҳудудида «Жаҳон бозори» қурилиши бошланди. Қурилиш учун 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Қурилиш-монтаж ишларида деярли барча қурувчи ташкилотлар қатнашадилар. Бозор қурилишига биринчи ғишт қўйилиши муносабати билан ўтказилган йиғинда шундай тўхтамга келингани кўпчиликни қувонтирди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯПОН САНЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

***ТОШКЕНТ**. Ўзбекистон давлат Санъат музейида Японядан келтирилган гравюра санъати намуналари кўргазмаси очилди. 46 мусаввирнинг 75 та асари намойиш қилинмоқда. Япон мусаввирлари санъатнинг бу тури бўйича қадимий анъанани давом эттириб, ўзига хос услубда манзара яратиш билан мухлисларни ром этишмоқда. Кўргазмага қўйилган Фумиаки Фукатанинг «Портлаётган юлдуз», Дзёити Хасининг «Эрта баҳордаги катта дарахт» каби асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.*

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

ТАШРИФ САМАРАЛИ ЎТДИ

СУРАТДА: Дўрмон қароргоҳида расмий кузатиш маросими.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

25 декабрь куни эрталаб Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Ўзбекистонга ташрифи расмий қисми ниҳоясига етди. Дўрмон қароргоҳида Қирғизистон давлат раҳбарини расмий кузатиш маросими бўлди.

Ислом Каримов ва Асқар Акаев шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шу куни Президент Асқар Акаев Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамиятига ташриф буюрди. Қирғизистон Президенти корхона фаолияти ҳамда у ердаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Ўзбекистонлик самолётсозлар бунёд этган энг замонавий йўловчи ва юк ташувчи самолётларга катта қизиқиш билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Асқар Акаев Бухоро зиёратига жўнаб кетди.

Қирғизистон Президенти Бухорои Шарифнинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

Асқар Акаев Бухородан жўнаб кетиш арафасида ЎзА муҳбирларига интервью бериб, жумладан, шундай деди:

— Қўшни ва қардош Ўзбекистонга сафаримиз ниҳоятда самарали бўлди. Бугун Бухоро шаҳрини зиёрат этар эканман, бу ердаги осори атиқалар чиройи, уларни таъмирлаш борасида қилинаётган кенг кўламдаги ишлар менга маъқул бўлди. Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги ташаббускорлиги мени ниҳоятда тўлқинлантирди. Бухоронинг 2500 йиллик юбилейида ҳам улуғ алломаларни вояга етказган бу муқаддас шаҳарни яна бир бор зиёрат этиш орзуим бор...

Шундай қилиб, Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Ўзбекистонга сафари ниҳоясига етди. А. Акаев Бухородан Ватанига жўнаб кетди.

Олий мартабали меҳмонни Бухоро аэропортида Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Бухоро вилоят ҳокими Самойдин Ҳусенов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмида

25 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси муносабати билан, унинг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар бўйича, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва шу ҳақда партия депутатлар фракцияси аъзоларига тавсиялар берилди.

МК Сиёсий ижроқуми мазкур сессияда кўриб чиқилиши таклиф қилинаётган қонун ва қарорларнинг мамлакатимиз тараққиёти, Президент И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар тақдири, демократиялашув жараёнларини жадаллаштиришда катта аҳамият касб этишини алоҳида уқтириб ўтди. У ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ХДПнинг парламентдаги фракцияси аъзолари фаол иштирок этганликларини ҳисобга олиб, уларга Олий Мажлис еттинчи сессияси кун тартиби ва муҳокама этилиши мўлжалланаётган қонун ҳамда ҳужжатлар лойиҳаларини асосан қўллаб-қувватлашни, ҳар бир масала юзасидан фракциянинг умумий нуқтаи назарини ҳимоя қилишни тавсия этди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг, 1997 йил биринчи ярми учун, Иш режаси тасдиқланди.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг Қува шаҳар партия кенгашини тузиш ҳақидаги таклифини маъқуллади.

Мажлисда партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам қараб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Мулоҳаза

МИЛЛИЙ РЕКЛАМА ЗАРУР

ЁКИ МАҲСУЛОТ МАРКЕТИНГИГА ЭЪТИБОР БЕРЯПМИЗМИ?

Мамлакатимиз ўз иқтисодий салоҳияти билан жаҳон ҳамжамиятига тобора кенг қўшилиб бормоқда. Айни пайтда Ўзбекистон тамғаси босилган маҳсулотлар кундан-кунга кўпаймоқда. Ҳукуматимиз тегишли чора-тадбирлар кўряпти. Чет эллик ҳамкорлар билан янги-янги қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Бунинг натижасида давлатимизнинг экспорт имкониятлари ошиб бормоқда. Хўш, эркин рақобат шароитида биз ўз маҳсулотимизни жаҳон андозаларига мос қилиб кўз-кўз қилиб сота оляпмизми? Бизда маркетинг хизмати қандай йўлга қўйилган?

Эсингизда бўлса, юртбошимиз Ислом Каримов Олий Мажлис сессияларининг бирида экспортга маҳсулот чиқаришнинг аҳамияти ҳақида куйиниб гапирган-дилар. Афсуски, бу масалада ишларимиз жойида деёлмаймиз.

Мамлакатимиз бозорлари хорижда тайёрланган сифатсиз моллар билан нега тўлиб кетяпти? Айрим «тадбиркорлар» шахсий фойданинг кетидан қувиб, ўз юртдошлари истеъмолчилик ҳуқуқини поймол этмоқдалар! Яъни, Ғарб бозорида ўтмай қолган товарлар олтин ва пахта эвазига алмаштирилган валюта ҳисобига республикамизга келтирилмоқда. Ваҳоланки, ялтироқлиги ва яхши ўралганини эътиборга олмасангиз бундай маҳсулотлар ўзимизда ҳам тўлиб-тошиб ётибди.

Ўзбекистон — жаннатмакон диёр. Бу ерда етиштирилган ноз-неъматларнинг айримларини дунёнинг ҳеч бир бурчагидан тополмайсиз. Фақат биз ўз маҳсулотларимизни жаҳон мезонларига мос қилиб, бежирим ўраш ва жойлашни эплай билмаймиз. Энг муҳими, бизда товар маркетинги умуман йўқ. Айни пайтда маҳсулотимиз миллий рекламаси ҳали тўғри изга солинмаган.

Қаранг, телевидение орқали кунига «Проктер энд гембл», «Самсунг», «Кока-кола» ва бошқа кўплаб хорижий фирмаларда тайёрланган товарларнинг ранг-баранг рекламаларини кўрамиз. Кўриб қойил қоламиз ҳам. Мана, «Анкл Бенс» («Бенс тоға») кетчупини олайлик. Хўш, ўзимизнинг помидорлардан худди шундай маҳсулот тайёрлай олмаймизми? Ундан-да зўрини бемалол тайёрлаймиз. Фақат қунт ва изланиш керак, холос.

Энди мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга келсак, очиғини айтиш керак, корхона ва фабрикалар жамоалари ҳали-ҳануз ўз товарларини кўз-кўз қилиб сотиш ва реклама қилишнинг ҳадисини олишмаган. Шу боис айрим корхоналар омборларида ҳатто чет эллик истеъмолчилар жон-жон деб харид қилиши мумкин бўлган мол ва буюмлар ўз харидорини кутиб ётибди. Нега биз миллий маҳсулотимиз маркетинги билан шуғулланмаяпмиз? Ахир, бозор бу — рақобат дегани-ку. Ҳатто ўзимизнинг истеъмолчига ҳам тайёр товарларни сота олмаётганимизни қандай баҳолаш мумкин? Бундай кетишда корхона ва фабрикаларнинг синиб қолиши аниқ-ку!

Албатта, телевидение ва газеталар таҳририятлари миллий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг рекламаларини зарур бўлса имтиёзли нархларда чоп этишлари керак. Лекин корхона ёки фирма ўзи тайёрлаган товарни реклама қилишни истамаса-чи? Баъзан шундай ҳолларга дуч келинмоқдаки, товар маркетингидан умуман бехабар корхона ёхуд фирмаларнинг айрим раҳбарлари собиқ тузум асоратларидан қутула олмай, ҳали ҳам эскичасига фикр юритмоқдалар. Нима эмиш, давлат тилида маҳсулотни реклама қилса ҳеч ким ўқимасмиш. Шу боис, рус тилида эълон ёки реклама берган маъқул эмиш. Во, ажаб! Э, раҳбар жаноби олийлари, қани сизнинг миллий ғурурингиз? Майли, сиз чет эл газетасига инглизча реклама берсангиз буни тушуниш мумкин. Лекин Ўзбекистонда, юртингизда ўзга тилда маҳсулотингизни реклама қилишдан не фойда? Ёки узоқ қишлоқдаги маҳаллий истеъмолчи буни ўқийди, деб ўйлайсизми? Балки реклама берсак бўлди-да, бизга нима фарқи бор, молимиз барибир ўтмаяпти-ку, деган фикрдамисиз?

Ватан ғурури, менимча, энг аввало тилдан бошланади. Тўғри, ўзга тилларни камситмаймиз, аммо ўз тилидан уни афзал билганларнинг эртаси, келажаги йўқ. Буни ҳаммамиз қалбан ҳис этмоғимиз лозим! Бинобарин, ҳар соҳада Ватан манфаатлари, юрт шаъни, миллий ғурур сезилиб турганига нима етсин! Ҳатто, ўз маҳсулотларимиз рекламасида ҳам. Шундагина маҳаллий истеъмолчи ўзимизда тайёрланган сифатли товарларни хорижникидан афзал билиб, харид қилиши турган гап. Бу — оддий ҳақиқатдир!

Аслиддин БОЛИЕВ.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси бугун, 26 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 26 декабрь куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмида

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси муносабати билан партиянинг депутатлар фракциясига

ТАВСИЯЛАРИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз раҳбарияти ишлаб чиққан туб ислоҳотлар йўлидан изчил бораётган халқимиз, мустақил тараққиётимиз олтинчи йили улкан режаларини бажариш устида, шижоаткорона меҳнат қилаётган бир вазиятда бўлиб ўтади, дейилади Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорида. Сессиянинг 1996 йил ниҳоясида ўтказилиши боис, унинг ортда қолаётган кейинги ўн икки ой давомида, қилинган ишларни таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқариши, яқин келажагимиз вазифаларини белгилаши табиий. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари лойиҳасининг ушбу сессия оралиғида ташкил этилган умумхалқ муҳокамасида фаол қатнашган партиямизнинг кўп сонли аъзолари давр талабларига тўла жавоб берувчи Қонун қабул қилинишидан манфаатдорлар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Олий Мажлисдаги партия фракцияси аъзоларига, мамлакатимиз парламенти еттинчи сессиясида кўриб чиқилиши мўлжалланаётган масалаларнинг давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланиши учун муҳимлиги, уларнинг партиямиз дастурий ғояларига ҳамоҳанглигидан келиб чиқиб ҳамда ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда вакилларимизнинг бевосита иштирок этганликларини ҳисобга олиб, таклиф қилинаётган қонунларнинг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда), «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмен) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда), «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ва бошқалар рўйхатининг ўзи унда мамлакатимизда авж олаётган демократиялашув жараёнларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқ муҳим қонунлар қабул қилинишини кўрсатмоқда.

МК Сиёсий ижроқўми, ХДП-нинг, республикамизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялардан бири сифатида, диққат-эътиборини, табиий равишда, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзига алоҳида тортаётганлигини кўрсатиб ўтди. Лойиҳани дастлабки тарзда ишлаб чиқишда, уни парламентнинг тегишли қўмитаси ва Олий Мажлис Кенгаши ишчи гуруҳи йиғилишлари ҳамда давлатимиз қонун чиқарувчи олий идораси олтинчи сессиясида, биринчи ўқишда, кўрилганда бевосита иштирок этган, Ўзбекистон ХДПдан сайланган, депутатлар, шунингдек, икки сессия оралиғида ташкил этилган умумхалқ муҳокамасида фаол қатнашган партиямизнинг кўп сонли аъзолари давр талабларига тўла жавоб берувчи Қонун қабул қилинишидан манфаатдорлар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Олий Мажлисдаги партия фракцияси аъзоларига, мамлакатимиз парламенти еттинчи сессиясида кўриб чиқилиши мўлжалланаётган масалаларнинг давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланиши учун муҳимлиги, уларнинг партиямиз дастурий ғояларига ҳамоҳанглигидан келиб чиқиб ҳамда ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда вакилларимизнинг бевосита иштирок этганликларини ҳисобга олиб, таклиф қилинаётган қонунларнинг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда), «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ва бошқалар рўйхатининг ўзи унда

Депутат минбари

ҚОНУН — ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

Кимда-ким ўз юртидаги қонунларни ҳурматласа, унинг моҳиятини чуқур англаса ҳаёти равон кечади. Негаки, у асло қоқилмайди. Фақат қонун доирасида иш юритади. Босган қадами тўғри-нотўғрилигини олдиндан билган киши ўзини бадном этармиди? Қонуннинг кучини ҳис этган борки, обрў-эътибор қозонади. Хоҳ тижоратда бўлсин, хоҳ идоравий иш юритишда бўлсин ёки муҳим аҳамиятдаги шартномалар имзолашда бўлсин аниқ ҳаракат қилади. Ўз ҳуқуқини билганидан юртидаги мавжуд қонун-қоидаларга суянади. Ундан қувват олади.

Тарихдан маълум. Қайси мамлакатда қонун устувор экан, ўша давлатда тараққиёт бор. Инсон қадр-қимматига ҳурмат бор. Қайси мамлакатда қонун эътиқод даражасида экан, ўша жойда авлод-аждодларга ҳурмат, ўзаро муносабатларда қадр, миллатнинг улуғлигига ишонч бор. Мустақилликка эришган Ўзбекистонимиздаям қонун устуворлигига эришиш учун ҳаракат қилинаётгани, улуғ мақсад сари поғонама-поғона одимланаётгани шундан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нуриддин ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Нуриддин ака! Қонунчилигимизда эскирган нима қолдию нималар киритилди?

— Мустақилликка эришгач жамиятда туб ислоҳотлар олиб борилди. Уларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлган эмас. Ана шу ислоҳотларнинг асоси бўлиб қонун ҳисобланади. Шу туфайли ҳам қонунчиликка катта эътибор қаратилди. Аввало Конституциямизни қабул қилдик. Президентимиз таъбири билан айтганда, «У жамият аъзоларининг тенглигини қайд этади, унга кафолатлар беради. Дарҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у амалда тенгдир, шу халқнинг вакилидир».

Халқаро обрўга эга бўлган йирик ҳуқуқшуносларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси дунё давлатчилиги ўтмишидан муносиб жой олган энг илғор ва ўта мукаммал, демократик Конституциядир. Бизнингчаям шундай. Унинг асосида эса бошқа қонунлар вужудга келди.

Ўтган беш йилда Ўзбекистонни дунё таниди. Унга йўл очилди. Юртимизнинг ўтмиши, маънавияти, ҳурмати жойига қўйиляпти. Ички бир ғурур, фахр туфайли мамлакатимиз юксалиш жабҳасига ўтди. Бунда албатта қонунчиликнинг роли кучлидир.

Ҳозиргача 200 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Қонунлар мажмуалари — Кодексларни амалда жорий этишда кўп ишлар бажарилди. Жиноят ва жиноят-процессуал Кодекси, меҳнат ва фуқаролик Кодексларининг дунёга келгани катта ютуғимиздир. Қонунчилик борасидаги жараён тўхтагани йўқ. Эндиликда «Жиноий жазоларнинг ижроси», «Оила ва никоҳ», «Фуқаролик процессуал кодекслари» ва бошқа қатор кодекслар устида ишлар олиб бориляпти.

Шундан келиб чиқиб, фалон қонун эскирди, дейишдан кўра, машҳур ақидани эсласак: «Янгисини қурмай туриб эскисини бузманг».

— Қабул қилинган мана шу қонунларимиз жамиятдаги ривожланиш билан баробар кетяптими ёки олдинма-кетинми?

— Унисиям, бунисиям бор. Яъни олдин кетаётганлари мавжудки, бундан фахрланамиз. Афсуски, ортда қолган қонунлар ҳам бор. Эндигина қад ростлаётган давлатда тараққиёт бирданига рўй бермайди. Ёки ҳар куни пала-партиш қонунлар қабул қилишнинг ҳам оқибати вой. Секин, аммо мукаммал қонунлар яратишда келажак бор, давлатнинг равнақи бор. Қатор қонунларнинг қабул қилинмай турганиям шундан. Улар устида ишланяпти. Президентимиз айтганларидай, қонунлар жамиятни бошқариши керак. Ўшандагина демократик одил жамият қурилган бўлади.

— Тараққий этган, этаётган мамлакатлар Европа уюшмаларининг аъзоси. Биз ҳам улар билан ҳамнафас, тенг ҳуқуқли аъзо бўлишни истаймиз. Лекин Европа қонунларида ўлим жазоси йўқ. Бизда эса бор...

— Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб айтаманки, ҳамма мамлакатдаям ўлим жазоси бекор қилинган эмас. Ҳатто, Американинг баъзи штатларидаям бу жазо қўлланилади. Қонунларимиздаги ўлим жазоси энг оғир жиноятлар учун сақлаб қолинган. Лекин аёллар ва 18 ёшга тўлмаганларга бу жазо қўлланилмаслиги инсонпарварлик эмасми?! Бундан ташқари, авф этиш йўли билан олий жазо 25 йиллик қамоқ жазосига алмаштирилиши қонунда кўрсатилган. Энди Европанинг бошқа мамлакатлари — Германия, Англия, Франсияда ўлим жазосининг йўқлигига келсак у ерда ҳуқуқий онг анча шаклланган. Уларда қайси ҳаракат қонуний, қайсиниси унга зидлигини амалдордан тортиб, оддий деҳқонгача билади. Қонунга, атрофдагиларга ҳурмат жуда беқиёс юртда оғир жазо ортиқчадир.

— Юқорида пала-партиш қабул қилинган қонунлар тараққиётнинг тушови дедингиз. Шундан келиб чиқиб Олий Мажлис томонидан қайтарилган қонунлар лойиҳаси борми? Яъни, бу масъулиятли ишда юзакилик, қўлдан ўтар қабилидаги фактлар рўй берганми, демоқчиман.

— Очиғини айтсам, тақдим этилаётган баъзи қонунлар айрим камчиликдан холи бўлмайди албатта. Юридик-техник талабларга жавоб бермаслигини изоҳлаб ўтириш ниятидан узоқмиз.

Бизгача келган фалон қонун лойиҳаси саёз эди дегандан кўра Олий Мажлиснинг сессияси муҳокамасига пишиқ-пухта лойиҳаларни тақдим этаётибмиз десам ўринли бўларди. Чунки қонун лойиҳасининг ҳар сатри, ҳар банди устида жиддий ишлаймиз. Ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаларидан фойдаламоқдамиз. Билимдон, дунё кўрган ҳуқуқшуносларнинг маслаҳати, йўриқлари доимо эътиборимизда бўлади.

— Ўзингиз сўз очиб қолдингиз. Ҳақиқатдаям, давр шуни кўрсатдики, ҳуқуқшуносларсиз бирон-бир жиддий ишга қўл уриш мумкин бўлмай қолди?

— Ҳа. Менинг нуқтаи-назарим шундай. Чунки бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, давлатлараро деймизми, фирмалар ўртасидами, ўзаро узоқ муддатли, савдо-сотиқ, кадрлар алмашиш каби шартномалар имзоланяпти. Мабодо ўртада келишмовчилик, совуқчилик ёки қитмирлик аломатлари пайдо бўлиб қолганида биз қуйиб қолмаслигимиз, ҳақимизни ажрата олишимиз учун ҳам ўткир ҳуқуқшуноснинг йўриғи, маслаҳати, унинг илму амалиётига муштоқмиз. Қўл учида, билиб-билмай имзоланган ҳужжат, шартномалар ҳатто инсониятга кулфатлар келтириши мумкин. Демоқчиманки, давр талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқий хизматни жонлантиришимиз керак. Қисқаси, юридик шахсларнинг ўзаро шартнома муносабатларида ҳуқуқшуносларнинг ўрни ниҳоятда баланд.

— Шу ўринда бир савол. Тараққиётимизни изга солувчи кўпгина қонунларимиз мавжуд. Лекин мансабдор шахсларни танлаш, мақомини белгилашни тартибга солувчи қонуннинг йўқлиги сезиляпти чоғи?

— Олий Мажлиснинг бугунги сессияси кун тартибига киритилган «Давлат хизмати тўғрисида»ги Қонун шу талабни бажаради. Биринчи ўқишда киритилаётган бу қонун энг аҳамиятли, энг керакли ҳужжатлардан биридир. Амалга ошаётган ислоҳотларимизни қай даражада натижа бериши албатта, кадрларга, уларнинг лаёқатига, билимига, қобилиятига ва айниқса уларнинг вазифаларини амалга ошириш истагига ҳам боғлиқ. Шу сабабли давлат хизматчиларини ишга олиш тартиби, ҳуқуқлари ва бурчлари улар фаолиятининг кафолатлари ана шу қонун лойиҳасида ўз аксини топган.

— Энди депутатлигингизга оид суҳбатлашсак. Сайловчиларингизнинг илтимос, талаблари асосида юқори идораларга шу чоққача қанча депутат сўрови йўллагансиз? Унинг оқибатсиз қолганлариям борми?

— Инсон борки, ғам-ташвишдан ҳоли эмас. Баъзан тўрачилик кайфиятидагиларнинг беэътибор, хафсаласизлиги туфайли қарамақаршиликларга учрайди. Бу мен сайланган аҳоли орасидаям бор. Албатта, ўшандайлардан айримлари бошига кулфат тушган, ҳақсизликка учраган чоғлари менга дардини айтади. Имкони борича ўзим ҳал қилишга уринаман. Лозим бўлган пайтда депутатлик сўровлариям ёзилган. Аммо уларнинг биронтасиям беэътибор ёки оқибатсиз қолган эмас.

— Нуриддин ака! Депутатлик фаолиятингизнинг ўтган икки йиллик даврини ўзингиз қандай баҳолайсиз? ХДП фракциясидаги ишингизничи?

— Аввало Халқ демократик партияси фракциясидалигимдан жуда фахрланаман. Чунки, бу жамиятимиз, халқимиз сиёсий тараққиётининг юксалишига таъсир эта оладиган катта сиёсий куч. Насиб этса, унинг мамлакат ривожига ғоявий таъсири «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонундан кейин янада кучаяди. Фракциямизнинг қонунларни тайёрлаш, уни қабул қилишда эътибори юксаклигиниям эътироф этаман.

Очиғини айтсам, ҳали мўлжалимдаги ишларимнинг ҳаммасини амалга оширганим йўқ. Ҳуқуқий, иқтисодий, шахсий масалада сайловчиларим билан мулоқотлар олиб бораман. Уларнинг ташвиши меники. Қолаверса, депутатлик фаолиятим қандай бўлаётганлигига баҳони халқ бергани маъқул.

«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири Қурбон ЭШМАТОВ суҳбатлашди.

Хатлардан сатрлар

ҲОКИМ КЕТДИ, ҚИЛИҒИ ҚОЛДИ

Қаерда адолатсиз иш юритилса, ўша жойда одамларнинг маҳаллий раҳбарларга ишончи йўқола боради. Биз ишлаётган Гулистон шаҳридаги 42-автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчасида ҳамманинг кўз олдида танишбилишчилик, ошна-оғайнигарчилик авж олди. Гап шундаки, аввалига мазкур корхонани кўпдан буён шу соҳада ишлаб келаётган Ўктам Эргашевга шу йилнинг 19 июнида кимошди савдосида қатнашиш учун расмийлаштириш бошланган эди. Вилоят ҳокими ўринбосари Фатҳиддин Қутбиддинов Ўктам Эргашевга тазйиқ ўтказиб унинг банкка ўтказган пулини қайтариб олишни талаб қилди. Бунинг сабабини билолмай турганимизда АЁҚШнинг янги эгаси пайдо бўлди. Илгари Тошкент шаҳрида яшаб келган Марат Герфанов корхонани ўзига хусусийлаштириб олди. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, деганларидек, бу одам қандай пайдо бўлди десак, бежиз эмас экан: Марат Герфанов вилоятнинг собиқ ҳокими Ғ. Ҳасанов хотинининг қариндоши экан. Энди шундан кейин ҳам бизни адолат борлиғига ишонтириб кўринг-чи? Ҳоким ишдан кетди, энди ҳақ жойдан қарор топса керак, деб бир-икки идорага мурожаат қилсак, ёзган шикоятларимизни тўғридан-тўғри Ф. Қутбиддиновга топширишяпти. У киши бу ишни босдибосди қилишдан нарига ўтмаяптилар. Қизиқ, ҳоким кетсада, унинг одатлари сақланиб қолибди-да.

Жўра ТОШМАТОВ, Пардабой ҚАРШИБОЕВ, Ҳамид АКБАРОВ.

ҲАФСАЛАНИ ПИР ҚИЛДИ

Яқинда мен хориждан келтирилган «Заза» лезвиесининг бир пачкасини харид қилдим. Уйга келиб соқолимни олмоқчи бўлдим ва лезвиени ускунага солиб, соқол қиртишлашга киришдим. Бошладиму ҳафсалам пир бўлди. Сабаби — бу матоҳ ҳам чет эллардан келтириб сотилаётган — сирти ялтироқ, ичи қалтироқ буюмлардан экан. Одатда, бошқа лезвиеларнинг ҳар донаси 3-4 марта соқол олишга ярарди. «Заза» эса бир мартага ҳам ярамади.

Шу муносабат билан хориждан мол келтираётган тадбиркору савдогарларга мурожаат этиб, қайси давлат маҳсулоти бўлишидан қатъи назар «Заза»га ўхшаш сифатсиз молларни бизга жўнатаётган ноинсоф кишилар билан ҳамкорлик қилманг демоқчиман. Акс-ҳолда халқнинг қаҳрига учрайсиз.

Турсун СУННАТОВ, уруш қатнашчиси, Бекобод тумани, Ойбек номли жамоа хўжалиги.

ҚЎЛЮВГИЧ ҚИДИРИБ...

Турмуш тарзимиз анча ривожланиб кетди. Лекин ҳамма жойда ҳам шаҳарлардаги аъло шароит бор деб бўлмайди. Шундай экан, азалдан озодагарчилик вужудига сингиб кетган халқимиз учун бир нарса топилмас матоҳга айланиб кетяпти. У ҳам бўлса оддий қўл ювадиган умивальник! Савдо дўконларига бориб шу оддий нарсани суриштирсангиз сотувчилар сизга ажабланиб қарашади, елка қисиб қўйишади. Эҳтимол қўлювгич халқ истеъмол моллари чиқарадиган корхона учун катта жиҳозлар каби кўп даромад бермас. Лекин қўлни нимада чайишни билмаймиз. Мен ишбилармонларга айтмоқчиман: унча меҳнат, кўп сарф талаб қилмайдиган қўлювгич тайёрланг, ҳам савобга қоласиз, ҳам наф кўрасиз.

Х. ЭГАМБЕРДИЕВ, Жиззах вилояти, Пахтакор туманидаги Чаманзор қишлоғи.

ЭНГ КАТТА ҚУВОНЧИМ

Йил якунланяпти... Она учун фарзанди бахти, камолини кўришдан ортиқ қувонч бўлмаса керак. Очиғини айтсам, фарзандим Улуғбек Эшназаров бу йилги тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Тошкент Давлат юридик институтига ўқишга кирди. Ўғлимнинг билимига ишонсам-да, бироқ тест ҳақидаги турли хил мишмишлар мени безовта қиларди. Буни қаранг, ҳақиқат бор экан. Худойим мурувват қилди, дея Яратганга шукр қилдим. Лекин «сендан ҳаракат, мендан барака», деган гаплар ҳам бор-ку.

Мен аввало тест синовларини олий ва ўрта махсус ўқув юртларида татбиқ этишни бошлаган ва уни такомиллаштириш учун ҳар йили бош-қош бўлаётган юртбошимизга миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Қолаверса, биз сингари оддий фуқароларга кези келганда аниқ йўл-йўриқлар кўрсатган институт раҳбарияти, ўқитувчилар жамоасидан мамнунлигимни айтиб, уларни Янги йил билан қутлагим келди.

Меҳриниса УМАРОВА, Зомин тумани.

ГАЗЕТА ГАЗЕТХОН УЧУНМИ?

Менинг ушбу мактубимни Ўзбекистондаги барча газеталарнинг бош муҳаррирлари ўқисалар яхши бўларди. Гап шундаки, нима сабабдандир кейинги пайтларда газеталардаги шрифтлар жуда майдалашиб кетаяпти. Айниқса, «Ишонч», «Адолат» газеталарида босилган мақолалар жуда майда ҳарфларда терилган. Эҳтимол муҳаррирларимизнинг қўлларида лупа ёки микроскоп бўлиб, ўша асбоблар ёрдамида ўқишар. Лекин биз, олис қишлоқларда яшаётган муштарийлар кўз зўрға илғайдиган сатрларни ўқишда қийналяпмиз. Бунинг устига газеталарда бутун-бутун саҳифаларни эгаллаган катта ҳажмдаги мақолалар кўпайяпти. Кошки эди ўша катта ҳажмли мақолаларда тош босадиган, салмоқли гаплар бўлса... Газетхон эътиборини қозонишни истаган журналистлар бу фикрларни ҳисобга олсалар чакки бўлмасди.

Эшпўлат БОБОЕВ, Сурхондарё вилояти.

Газетхоннинг юқорида билдирган мулоҳазалари «Ўзбекистон овози» газетасига ҳам тўла тааллуқлидир. Таҳририятимиз ижодий ходимлари ушбу хатда айтилган ўринли фикрлардан тўғри хулоса чиқаришга қарор қилдилар.

ДЕМОКРАТИЯЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ФАОЛ ҚАТНАШАЙЛИК!

Олий Мажлисдаги Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида

Халқимиз томонидан юксак ишонч билдирилиб, мамлакат парламентига сайланган депутатларнинг сессияга йил якунланаётганда тўпланиб, тараққиётимизнинг муайян босқичига танқидий кўз билан назар ташлашлари, янгиянги вазифаларни белгилаб олишлари одат тусини олмоқда. Сессия мажлисларининг уюшқоқлик билан самарали ўтишига сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари йиғилишларида, муҳокамага қўйилаётган масалалар юзасидан, ишлаб чиқилган нуқтаи назар ва қарорлари ижобий таъсир этаётганлиги шубҳасиздир. Анъанага мувофиқ, парламентдаги ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши 25 декабрь куни, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси арафасида, бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов сўзга чиқди. У сессия кун тартибига киритилаётган энг муҳим масалалардан бири — Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари лойиҳаси асосий жиҳатларига батафсил тўхталиб, унинг 1997 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожида барқарорликни, иқтисодий юксалишни, халқ фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилганлигини инобатга олиб, депутатларни лойиҳани ушбу сессияда маъқуллашга даъват этди.

Мазкур масала муҳокамасида иштирок этган Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ҳокими Р. Сиддиқов, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Ҳалимбетов, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Бобур номли агрофирма раиси С. Ҳабибов, уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими кенгаши раиси С. Усмонов унинг муҳимлигини таъкидлаш билан бир қаторда, тараққиётимиз талабларига тўла жавоб беришини эътироф этиб, йиғилганларни бюджет лойиҳасини қўллаб-қувватлашга чақирдилар. Фракция бу ҳақда тегишли қарор қабул қилди.

Шундан сўнг, депутатлар мазкур сессиянинг таклиф этилаётган кун тартиби ҳамда унинг муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган бошқа ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан фракция нуқтаи назарини ишлаб чиқиш ҳақидаги масалани кўришга ўтдилар.

Бу ҳақда фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққан «Совпластитал» қўшма корхонаси бош директори А. Мелкумов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси котиби Т. Усмонов, Тошкентдаги «Мебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Қирғизбоев бу галги сессияда кўриб чиқилиши мўлжалланаётган масалаларнинг юртимизда демократиялашувни янада чуқурлаштириш, ҳуқуқий, инсонпарвар давлатни, адолатли фуқаролар жамиятини барпо этиш жараёнларини жадаллаштиришда катта аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидладилар. Улар орасида «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларининг борлиги шундан далолатдир.

Йиғилиш Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг Олий Мажлис еттинчи сессияси кун тартиби ва муҳокамага қўйилаётган масалалар юзасидан ҳужжатлар лойиҳаларини асосан маъқуллашга доир тавсияларини қўллаб-қувватлади ҳамда ўзининг мазкур йўналиш руҳидаги тегишли қарорини қабул қилди.

Фракция йиғилиши Навоий вилояти нефть маҳсулотлари таъминоти бошқармаси бошлиғи Ў. Рўзиқуловнинг ўз депутатлик ваколатларини қай тарзда бажараётганлиги ҳақидаги ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Фракция аъзоларидан бир гуруҳига ХДП ташкил топганлигининг беш йиллиги ҳамда партия ҳаётида фаол иштирок этаётганликлари муносабати билан Ўзбекистон ХДП МК Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, мамлакат хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Жиззахдаги 2517-автокорхонанинг илғор ҳайдовчилари Эркин Назаров билан Фарҳод Каримов 1996 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлашмоқда.

Р. СОДИҚЗОДА олган сурат.

ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛСАК...

Бир нарса аниқ: халқнинг миллат бўлиб бирлашиши, ўзлигини теран тушуниб етиши, шу аснода маънан баркамолликка эришиши жамики қадриятларимиз асосини ташкил этади. Шундай экан, инсон қадр-қимматини улуғлашга, унинг ҳақ-ҳуқуқларини одилона ҳимоя этишга ҳар биримиз ўзимизни масъул ҳисобламогимиз зарур. Шу ўринда ҳурматли Президентимизнинг бир гаплари бор: «Мустақилликнинг олий мақсади — халқимиз иззатини жойига қўйишдир!» Бу пурмаъно сўзлар айни вақтда фаолиятимиз мазмунини белгилайди.

Маданий-маърифий соҳада рўй бераётган ачинарли нуқсонлар ҳақида Президентимиз Бухорода жуда куйиниб-куйиниб гапирдилар. Очиғи, бу борада ҳали қилингандан кўра қилинмаган ишлар ниҳоятда кўп, Узоққа бормайин-да, ўзимизнинг туманда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида айтайин. Маданий-маиший шаҳобчаларни янада кенгайтиришимиз, кутубхоналар фаолиятини янада яхшилашимиз ҳамда руҳий тарбия асосларини турли йўллар билан халқ қалбига олиб кирмоғимиз керак. Қишлоқ кутубхоналарини марказлаштириш ва уларни халқимизнинг бой маданий мероси бўлмиш мумтоз адабиётлар билан етарлича таъминлаш биринчи галдаги ишлардан бири бўлиб турибди.

Иш ўринлари яратишга асосий эътиборни қаратяпмиз. Водил яқинидаги пилла чувиш корхонаси ҳамда Чимёндаги кичик тўқимачилик комбинати қуриб битказилиши биланоқ, минглаб кишилар иш билан таъминланадилар. Шу сингари Аввал, Қўрғонтепа, Каптархона қишлоқларида янги мактаб бинолари, Янгиободда сутни қайта ишлаш цехи, Хонқизда шифохона ва бошқа кўпгина иншоотлар қурилишини режалаштирганмиз. Буларнинг ҳаммаси халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга етарли ҳисса бўлиб қўшилиши табиий.

Маънавиятимиз мезонлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аждодларимиз умидлари бутун, шижоатли кишилар бўлишган. Уларнинг барча анъаналарини бугунимизга татбиқ этиш ва шу йўл билан маънавият пиллапояларидан дадил одимлашдек эзгу юмушларга барча куч ва имкониятларимизни йўналтирайлик.

Муътабар ҒУЛОМОВА, Фарғона тумани «Маънавият ва маърифат» марказининг раиси.

Мустақиллик мевалари

ЎЗБЕКИСТОННИ АРАБЛАР ЎЗ ТИЛИДА ЎРГАНМОҚДА

Чет элларда кўпчиликка ноёб асарлари таниш бўлган, жумладан Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарининг арабча нашрини амалга оширган Байрутдаги (Ливан) «Шарикат ал-матбуоат лит-тавзиъ ван-нашр» нашриёти халқимизнинг бой ва кўҳна тарихи ҳамда унинг бугуни билан жаҳон аҳлини таништириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги арафасида нашриёт араб дунёсининг чорак миллиарддан ортиқ китобхонларига она юртимизнинг ҳозирги куни ва узоқ ўтмиши ҳақида ҳикоя қилувчи ажойиб асарни туҳфа этди. Яқинда мазкур муассаса томонидан «Ўзбекистон: қадимги замонлардан бугунгача» китоби араб тилида чоп этилди. Салкам 500 бетдан иборат илмий-тарихий очерк услубидаги асар муаллифлари академик Б. Аҳмедов ва тарих фанлари номзоди З. Мунавваровдир. Китобнинг масъул муҳаррири Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси Н. Иброҳимов.

Асар «Азиз Ватанимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишланади» деган бағишлов билан очилади. Китоб хилма-хил асл манбалардан унумли фойдаланилган ҳолда, Ўзбекистон ҳамда ўзбек халқининг қадимий серқирра тарихини мустақиллик руҳи билан суғорилган янгича ёндошув асосида, холисона, кенг кўламдаги ўқувчи учун ўқимишли, оммабоп услубда ёзилган. У И. А. Каримовнинг «Бизга тарих тўғрисида... аччиқ бўлса ҳам, холис ва тўла ҳақиқат керак» деган даъватига жавоб десак, муболаға бўлмайди. Мустақиллик яратган имкониятлар туфайли Ўзбекистон олимлари асарларининг хорижда чет тилларда чоп этила бошлагани дунё аҳлини диёримиз тарихи билан таништиришдек олийжаноб мақсадга хизмат қилиши бугун **алоҳида аҳамият касб этади.**

Юқорида зикр этилган китоб кириш сўзи, ўн беш боб ва библиографиядан иборат. Дастлабки бобларда Ўзбекистон худудида яшаган қадимги қабилалар ҳақида археологик қазилмалар ва илмий тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда фикр юритилади. Уларда келтирилган Марказий Осиёнинг қадимий давлатлари, сулолалар тарихининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатлари ҳақидаги аниқ маълумотлар эътиборга моликдир. Бешинчи аср ўрталарида вужудга келган Эфталитлар давлати тарихи ва маданиятига оид маълумотлар, айниқса, аҳамиятлидир.

Кейинги боб Турк ҳоқонлигига бағишланган. Олтинчи асрга келиб бу салтанат Марказий Осиёда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Ҳоқонликнинг халқаро нуфузи мунтазам ошиб бориб, у Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва ҳатто Византия билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйди. Мазкур даврда туркий халқлар жамиятида аёллар мавқеи мустаҳкам бўлгани, улар давлат ишларида фаол иштирок этгани мароқли услубда ҳикоя қилинади.

«Марказий Осиё араб халифалиги даврида» деб номланган бобда минтақанинг араблар томонидан забт этилиши тарихи баён этилиб араб тили ва ислом динининг маҳаллий аҳоли ҳаётига кириб келиши илм-фан равнақида тутган ўрни, ўзига хос жиҳатлари ишончли мисоллар воситасида кўздан кечирилади. Унда маҳаллий халқларнинг ўша замон араб истилочиларига қарши олиб борган мардонавор курашлари (масалан, Сунбод ва Муқанна қўзғолонлари), улар мағлубиятининг сабаблари илмий асосда ёритиб берилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. X—XI асрларда Мовароуннаҳр Сомонийлар сулоласи салтанат юритгани, бу даврда ижтимоий-сиёсий вазият бир қадар барқарор тус олгани натижасида илм-фаннинг турли соҳалари, айниқса, тарих, жуғрофия, фалсафа, адабиёт, шеърият, фиқҳ, риёзиёт, астрономия ва табобат юксак даражада тараққий топгани ҳақида китобнинг бешинчи бобида айтилади. Кейинги бобда ўлкамизнинг IX—XII асрлардаги иқтисодий тараққиёти босқичма-босқич баён қилиниб, бу ҳол илм-фан ва маданият равнақига ижобий таъсир этгани тўғри очиб берилган. Келтирилган маълумотлар ишончли ёзма манбаларга, (масалан, Истаҳрий, Муқаддасий) ва бошқаларнинг асарларига асосланган).

«IX—XII асрларда Марказий Осиёда илм-фан ва маданият» номли саккизинчи боб китобнинг энг муҳим қисмларидан биридир. Унда Марказий Осиёда илм-фан ва маданиятнинг равнақи ҳақидаги батафсил маълумотлар келтирилади. Диёримиздан чиққан буюк олимлар, Хоразм ва Бағдоддаги Маъмун академиясида ижод қилган ватандошларимиз хизматлари ишончли кўрсатиб берилган. Ҳадис илмига оид бебаҳо асарлар яратган буюк алломаларимиз Бухорий, Термизий, Насоий, тасаввуф асосчиси—Юсуф Ҳамадоний, Кубровия таълимотини яратган Нажмиддин Кубро кабилар ҳақидаги батафсил маълумотлар араб китобхонлари учун айниқса, қизиқарлидир.

«Марказий Осиё Чингизхон ва унинг сулоласи ҳукми даврида» деб номланган бобда мўғуллар истилоси натижасида кўплаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилиб, одамлар қирғинбарот қилингани, илм-фан ва маданият таназзулга учрагани ишончли тасвирлаб берилган. «Марказий Осиё Амир Темур ва темурийлар даврида» деб аталган ўнинчи боб ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. У китобнинг энг муҳим қисмларидандир. Мустақиллик шарофати билан муаллифлар тарихий манбаларга асосланиб, соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни тиклашга муваффақ бўлганлар, дейиш мумкин. Амир Темурнинг нафақат Туркистон тарихи, балки бошқа (масалан, Русия, Европа) халқлари тақдирини белгилашдаги муҳим ўрни ҳам ишончли юритиб берилган. Бу ёндашув Амир Темур ҳазратларининг йирик давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси, буюк саркарда сифатидаги ёрқин фаолиятини ажнабий китобхон, жумладан, арабларга ҳаққоний очиб беришга хизмат қилади. Темур ва темурийлар давридаги улкан бунёдкорлик ишлари, илм-фан ва маданият равнақи ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилинади.

Асарнинг муҳим қисмларидан яна бири, шубҳасиз, «XIII — XV асрларда илм-фан , маданият ва мафкура» деб аталган бобдир. Унда мўғул босқини оқибатлари бартараф этилгач, бунёд этилган йирик иншоотлар бирма-бир санаб ўтилади. Илм-фан ва маданият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган олиму-уламоларимиз ҳақида сўз боради. Нақшбандия таълимотининг асосчиси — Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва мероси, тариқатнинг йирик намоёндаларидан Абдулхолиқ Ғиждувоний, шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги муфассал маълумотлар араб китобхонларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Ўн иккинчи боб Марказий Осиёнинг феодал тарқоқлик ҳолатига тушиб қолиши, Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги, бу даврда содир бўлган воқеаларга бағишланган. Бухоро хонлигининг ташкил топиши, унинг асосчиси Абдуллохон давридаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг шарҳи ҳам шу бобда келтирилган. Ички ихтилофлар ва ўзаро адоватга қарамасдан, Бухоро хонлигида илм-фан ва маданият ривожлангани ҳам алоҳида таъкидланади. Мазкур бобда Хева хонлигида содир бўлган энг муҳим сиёсий воқеалар ва маданий ҳаёт ҳақидаги қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бу қисмда Қўқон хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳақидаги тарихий маълумотлар билан биргаликда, унинг маъмурий тузилиши тўғрисида ҳам ҳикоя қилинган. «Туркистон — рус мустамлакаси» ва «Ўзбекистон советлар ҳукми даврида» бобларида Чор Росиясининг Марказий Осиёни забт қилиш йўлидаги илк ҳаракатлари, XIX асрнинг олтмишинчи йилларидан эътиборан эса, уни босқичма-босқич истило қилиб, мустамлакага айлантиргани баён этилган. Туркистон халқларининг рус мустамлакачиларига қарши курашлари, Жиззах, Тошкент, Дукчи эшон қўзғолонлари ва бошқа миллий озодлик ҳаракатларига кенг ўрин берилган.

XIV бобда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон халқларининг миллий озодлиги ва қонуний ҳуқуқлари йўлида олиб борган қаҳрамонона курашлари, жумладан, «босмачи» деб тамғаланган миллий озодлик ҳаракатининг муҳим сиёсий томонлари ёритиб берилган. Унда шўро ҳукмронлиги йилларида содир бўлган энг асосий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеалар ҳам бирма-бир санаб ўтилган.

Охирги боб — «Мустақил Ўзбекистон» деб аталади. У Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишларга бағишланган. Мамлакатимиз биринчи Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида қўлга киритилган оламшумул ютуқлар, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият томонидан тўла эътироф этилиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар, раҳбариятимизнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги самарали фаолияти ҳар томонлама чуқур ёритилган. Мазкур бобда Президентимиз томонидан олға сурилган беш асосий тамойилларга асосланган ва халқаро миқёсда ўзбек модели сифатида эътироф этилаётган ислоҳотлар йўли ёритиб берилган. Унинг охирида мустақиллик даврида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги энг муҳим воқеаларнинг хронологик мундарижаси келтирилган.

Албатта, бу каби йирик асар айрим хато ва камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Улар жумласига китобда қўлланган баъзи истилоҳларни араб тилига ноаниқ таржима қилинганини киритиш мумкин. Айрим шахслар ва жойлар номларининг арабча шаклида жузъий хатоларга йўл қўйилган. Масалан, машҳур олим Санъоний—Сайъоний, аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари — «ал-Ҳидод» бўлиб қолган. Гарчанд асар ўз мазмун-моҳияти ва таркибий тузилиши жиҳатидан «Ўзбекистон қадимги замонлардан бугунгача» деган номга тўла мувофиқ бўлса-да, унинг арабча нашри «Ўзбекистонда араблар ва ислом Марказий Осиёнинг қадимги даврлардан ҳозиргача тарихи», деб номланган. Нашр тижорий нуқтаи назардан келиб чиқиб, китобни араб китобхонларига мослаб шундай атагани сезилиб туради.

Кўрсатилган ва айрим бошқа камчиликлар, асосан, араб ёзуви хусусиятлари билан боғлиқ техник характерга эга. Китобнинг кейинги нашрларида уларни осонлик билан бартараф этиш мумкин. Шуни таъкидлашни истар эдикки, жузъий камчиликларига қарамасдан, бу каби йирик асарнинг араб тилида нашр этилиши — Ўзбекистон ва ўзбек халқининг буюк тарихи, ҳавас қиларлик салоҳияти ва иқтидори ҳамда нурли келажагини дунё аҳлига тўғри ва ишончли тарзда кўрсатиб беришдек олийжаноб мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз. Шу муносабат билан ноширнинг келажакда асарни бошқа жаҳон тилларига ҳам таржима қилиб, бутун дунё бўйлаб тарқатиш ниятида эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Қандай бўлмасин, мазкур асар кўҳна ва бой тарих, улкан маънавий мерос яратиб азалдан дунё илм-фани ва маданияти равнақига муносиб ҳисса қўшган Туркистоннинг жаҳон цивилизациясидаги салмоқли ўрни, буюк алломалару йирик давлат арбобларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқат, истиқлол туфайли, рус истилоси, советлар тузумининг заҳарханда мафкуравий тазйиқидан халос бўлганимиз, тарихимиз, маданий меросимизни бир ёқлама сохталаштириш ва чеклаш азобидан қутулганимизнинг ёрқин ва таъсирчан ифодасидир.

Убайдулла УВАТОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

ОҚ УЙ «ЯНГИЛАНМОҚДА»

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Билл Клинтон 20 декабрда Оқ уйдаги бир неча нуфузли лавозимларга янги номзодларни тасдиқлади. Клинтон Даниэл Таруллани Халқаро иқтисодий сиёсат бўйича президентнинг ёрдамчиси этиб тайинлади. Президент Аида Альваресни майда корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича маъмурий бошқарув раҳбари лавозимига кўтарди. Эндрю Куомони эса уй-жой қурилиши ва шаҳар тараққиёти вазири, транспорт вазири этиб Родни Э. Слейтерни тайинлади.

Президент Билл Клинтон Оқ уй таркибини янгилаш — Американинг келажагини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

СЕВАСТОПОЛЬ МАСАЛАСИ ҚЎЙИЛДИ

Ўтган шанба куни Симферополда рус халқи миллий Конгрессининг съезди бўлиб ўтди. Қрим съездида Россия давлат раҳбарлари диққати Севастополга Россия мақоми берилишига қаратилди. Украинада расмий тан олинмаган ҳаракат раҳбари Шувайников рус халқи Конгрессининг асосий мақсади «Қримнинг Россияга қўшилиши»га эришишдир, деб таъкидламоқда.

ПЕРУДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

Маълумки, Перу террорчилари бир неча кундирки Япон элчихонасининг Лимадаги қароргоҳидан кўплаб одамларни гаровда ушлаб туришибди.

Перу Президенти Альберто Фухимори шанба куни кечкурун «Террорчиларнинг талабини ҳукумат инобатга олмайди» — деб эълон қилди. Президент халққа мурожаатида мамлакат раҳбарлари террорчиларнинг қамоқдаги «Тумак Амари» ҳаракати қатнашчиларини озод қилиш талабини — террорчилар ушлаб турган Япония элчихонаси қароргоҳидаги гаровдагиларнинг ҳаммасини ҳибсдан бўшатган тақдирдагина бажариши мумкин, деди Президент.

Перу Президент террорчиларининг талаби билан ҳозирча ҳисоблашмаяпти.



Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан. Бухоро аркининг бугунги кўриниши.

Ҳайдарали ҚУРБОНОВ олган сурат.

МУҲАРРИРНИ ЁД ЭТИБ

САМАРҚАНД. Ўзбекистон халқлари маданият музейида ўзига хос савобли иш қилинди. «Овози тожик» рўзномасининг биринчи муҳаррири Абдуқаюм Қурбий таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тантана уюштирилди. Йиғилишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Самарқанд университетининг профессори Ботирхон Валиҳўжаев, профессор И. Мирзаев, доцент Ғ. Маҳмудов, Сиёб тумани ҳокими ўринбосари А. Пўлатов, «Овози тожик» рўзномасининг бош муҳаррири Шавкат Ниёзов ва бошқалар Қурбийнинг ижоди ва журналистик фаолияти тўғрисида сўзладилар. Сўнг Абдуқаюм Қурбий номидаги кўчага ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Холида ИНОҒОМОВА.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

• МОСКВА. *Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Тожикистон бирлашган мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий мамлакат миллий ярашув коммиссиясининг асосий вазифалари ва ваколатлари ҳақидаги протокол ҳамда илгари тасдиқланган бошқа ҳужжатларни имзоладилар.*

ҲАР ҚАНДАЙ ХАРАЖАТГА РОЗИ

• БАНГКОК. *Таиланд яқин давр ичида ўзининг жосуслик мақсадларидаги ернинг суньий йўлдошига эга бўлади. Мамлакат янги ҳукумати Таиланд суньий йўлдошини фазога чиқариш учун ҳар қандай харажатга ҳам рози бўлди.*

Илгариги ҳукумат ўтган йили мамлакат бюджетидаги 13,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги камомад туфайли мазкур таклифни рад этган эди. Таиланднинг янги сайланган Бош вазири Чавалит Йонгчайот эса мамлакат ҳарбийларига суньий йўлдош ҳақидаги зарурий ҳужжатларни зудлик билан мудофаа бўйича ҳукумат кенгаши мажлисига тақдим этишни топширди.

МАНСАБДОРНИНГ ҚЎЛИ ҚИЙШИҒИ ЁМОН

Ҳукм ўқилди

Бозор иқтисодиёти ҳаётимизда туб бурилиш ясади. Имкониятлардан кенгроқ фойдаланадиган бўлдик. Кимдир ўзини тижоратга урса, бошқа биров фермерликни ривожлантирди.

Кимки қонун доирасида, ҳалол меҳнат қилса, рўзғорини бекаму кўст тебрата олишлиги амалда исботланди.

Ана шундай кенг имкониятлар даврида нопок, ҳаром-ҳариш йўлни танлаган айрим мансабдорлар ҳам учрамоқдаки, уларнинг кирдикорларини фош этмаса бўлмас.

Самарқанд шаҳар очиқ турдаги чинни ишлаб чиқариш «Нафис» ҳиссадорлик жамияти жуда салмоқли идора. Ундаги бежирим чинни буюмларнинг харидорлари кўп, албатта. Ҳамма ўша идишлардан олгиси, тўй-ҳашам, рўзғорида ишлатгиси келади. Буни шу жамият раисининг ўринбосари Олим Муҳамадиев яхши билган. Негаки, у маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимни — ҳиссадорлик жамиятига хомашё етказиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тақсимлаш билан шуғулланиб келган. Қарангки, ана шундай масъулиятли лавозим эгаси бўлмиш О. Муҳамадиевнинг ҳам фикри бузилди...

Тошкентдаги «Литос» кооперативининг таъминотчиси Алишер Ёрматов 100.000 сўмлик векселга чинни идиш олиш учун О. Муҳамадиевга мурожаат қилади.

— Майли, бажарамиз. Фақат харажати бор. Ундан қочмасангиз бас. Пулнинг 15 фоизини нақд берасиз.

Муҳамадиевнинг очиқ савдоси Алишерни ўнғайсизлантирган эса-да, ўша зумдаёқ таъмагирлик жиддийлигини, порасиз иш битмаслигини тушунади. Икковлари узоқ савдолашадилар.

— Сўмим йўқ. Уч юз долларим бор. Шуни бераман.

Алишернинг «ўғил болалиги» Муҳамадиевга маъқул тушади ва ҳужжатларни расмийлаштиришга рухсат беради. Тушдан кейин «ҳисоб-китоб» қилишга келишадилар. О. Муҳамадиев пора сифатида 300 долларни олади. Аммо буюрмаган экан. Ўша заҳотиёқ ўз хизмат хонасида тезкор ходимлар томонидан ушланади.

Ўйланиб қолади киши. Нега энди мансабдор шахс бўла туриб О. Муҳамадиев юз тубан кетди? Унга нима етмасди? Босаётган қадами жиноят эканлигиниям биларди. Аммо нафсини тиёлмади. У мол-дунёси бўлгани ҳолда маънавий қашшоқ шахс. Агарда у бировнинг ҳақига хиёнат гуноҳ, урф-одатларимизга ётлигини ҳис этганида бу нопок йўлни танламаган бўларди. Фақат пешона тери эвазига орттирилган бойлик ҳалоллигини тушунмаганидан ўзини бадном қилди...

Яна бир шахс — Дусанбай Исаев ҳам Олим Муҳамадиев юрган йўлдан юрди. Натижада осойишталик посбонлари номига доғ туширди.

Боши ҳақсизликка урилган ёки бирон ғавғоми, жанжал-тўполонга дуч келган киши аввало милицияга югуради. Унга дардини айтиб, мадад кутади. Кечагина халққа: «Сизнинг ташвишингизга шерикмиз, ҳуқуқларингизни ҳимоя қиламиз. Ҳалол, покиза бўлинглар. Бировнинг ҳақига хиёнат жиноятдир», деб юрган «посбон»нинг пора устида қўлга олинганини эшитганлар қандай аҳволга тушади? Албатта, ажабланишади. Д. Исаевнинг ҳам пора устида «йиқилганини» эшитганлар шу кўйга тушишди.

Дусанбай Исаев биринчи сонли Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини вазифасида ишларди. Хизмати юзасидан участка инспекторлари фаолиятини назорат қиларди. Уларга эл ўртасида обрўли, ҳурматли, виждонли, касбга садоқатли бўлиш ҳақида йўл-йўриқлар берар, маърузалар ўқирди. Унинг дили бошқа экан. Исаев қонунсиз равишда шу йилнинг апрель ойида 45-авто-таксомотор саройига тегишли бўлган автобус кузовининг 1993 йилдаги олди-сотди ҳужжатларини текширишга киришади. Шу баҳонада фуқаро Абдуқаюм Турғуновни бўлимга чақиради. Ўзининг ғаразли мақсадини амалга ошириш мақсадида айбсиз шофёрни сўров қилади ва 24 соат милициянинг вақтинча сақлаш хонасида ушлайди. Уни қўрқитади. Кейин эса ишни ёпиш ва озод қилишини айтиб, Турғуновдан 1500 АҚШ долларини пора сифатида талаб қилади. Бошқа йўл йўқлигини билган А. Турғунов шартга рози бўлади. Келишилган кунда долларни ўз пулимизга чақиб, 17 минг сўмни Д. Исаевга келтириб беради.

— Шу жиноий ишни тергов қилиш чоғида аниқланган бир тафсилотни айтмоқчиман, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Азиз Ҳакимов. — 17 минг сўмни чўнтагига урган Дусанбой жиноий ишини давом эттирмоқчи бўлиб А. Турғуновдан яна 33 минг сўм олиб келишини айтади. Лекин... Д. Исаевнинг яна бир қонунсиз ҳаракатини айтмоқчиман. У қўлга тушмасдан бурун, ўзича терговчилик қилиб юрган чоғларида бошқа шофёр Холмурот Шерановни милиция бўлимига чақиради. «Ноқонуний» сотилган кузов учун 7 минг сўм келтиришни айтади. Гўё зиённи қоплатмоқчи бўлади. Шеранов пулни беради. Бу ҳолни Исаев бўлимнинг навбатчи милиционерига айтиб, ўз ихтиёри билан шу миқдордаги суммани топширди, қабилида протоколлаштиради. Сўнг пулни ҳамёнига уради. Ундан 750 сўмини еб юборади ҳам.

Суд ҳар икки ҳолатни ҳам ўрганиб чиқди. Жиноятчилар жазоландилар. Лекин улар қолдирган доғчи? Шу ўринда баъзи фикрларимиз бор. Нега энди раҳбар ходимлар ўртасида бу каби иллатлар пайдо бўляпти? Чунки айрим жойларда кадр танлашда пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Лаёқати, маънавиятига қараб эмас, шахсий садоқатини кўпроқ қадрлайдилар. Унинг савиясидан қатъий назар мансаб пиллапоясига кўтаришади. Ҳалиги довдир кадр эса давру даврон меники, дея турли қаллобликларга қўл уради. Халқ ўртасида ўз касбини қорага булғайди.

Қачон шу ҳақиқат англанади? Раҳбар-кадрларнинг дунёқарашларига эътибор қаратилса, юқори лавозимларга тайинлаш, тавсия этишда унинг билими, одоби, лаёқати ва бошқа инсоний ҳислатлари мукаммал ўрганилсагина лаб тишлаб қолмаймиз. Мансаб имтиёз эмаслигини билган кишигина ҳалол ишлайди.

Муҳиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг бошлиғи.
Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Футбол

СИЗГА НИМА БЎЛДИ, ЎҒЛОНЛАР?

Футболимизнинг бугунги аҳволи ҳақида баъзи мулоҳазалар

Афанди зора ишимни ўнглаб юборса, деган ниятда қозига 40 сўм чўзган экан. Бундан бохабар иккинчи даъвогар қозига 100 сўм тутқазибди. Иш кўрилаётганда қози Афандига ҳеч қарамас эмиш. Шунда Афанди: «Қози, бундай, қирқиб-қирқиб гапиринг...» дебди. Қози эса: «Қирқиб, қирқиб гапирар эдиму, лекин юзидан ўтолмаяпман», деган экан. Айбга буюрмайсизлару Узбекистон Республикаси футбол федерациясининг ижроқўм йиғилишидан нохуш таассурот билан чиқишга тўғри келди.

Йиғилишда тўртта масала: шу йил бошида эълон қилинган Узбекистонда футболни янада ривожлантириш билан боғлиқ қарорнинг ижроси, бу йилги чемпионат ўйинларининг қандай кечгани ҳамда Осиё кубоги учун кураш натижалари ва ниҳоят янги чемпионат чизгилари ҳақидаги масалалар кўрилди.

Музокарага чиқиб, куйиниб гапирганларнинг фикрларидан шу нарса аён бўлдики, футболимизда интизом бўшашиб кетган. Ваҳоланки футбол клублари тузилган, футболчиларимиз профессионал мақомини олган бир шароитда қандайдир англашилмовчиликлар содир бўлмоқда. Хусусан, ўйинчиларнинг истаган жамоага ўтишни ихтиёр этишлари ҳамда учрашувларни бошқарган ҳакамларда ўзига хос келишувчиликтарафкашлик борлиги каби масалалар юзасидан баҳс-мунозара авжига чиқди.

Бундай қараганимизда, истиқлол шарофати нималиги ҳис этилмаётгандек. Наҳотки, яқин беш йил илгари биз ўзимизни на Европа, на Осиё эканимизни унутган бўлсак. Жамоаларимизнинг хориж сафарлари фақат орзу эдику, ўшанда. Лаёқатли футболчиларимизни собиқ иттифоқ терма жамоасига қабул қилиш қанчалар муаммо бўлганини эсдан чиқардикми? Михайил Ан, Владимир Федоров, Геннадий Красницкий каби таниқли ўйинчиларимиз халқаро майдонларга чиқишлари осон кечмаганини мухлислар ҳамон эслайдилар. Хўш, энди нима бўлаяпти. Футболимиз учун халқаро дарвозалар очилган бўлса. Маҳорату тажрибамиз нималарга қодир эканлигини намойиш этиш учун имконият яратилган бўлса... Нега энди, сусткашлик кайфиятидан қутила олмаяпмиз.

Юртимизда футболчилар профессионал саналади. Энди улар аниқ шартнома асосида фаолият кўрсатадилар. Лекин ана шу профессионалик яъни футболни касб-кор деб билишни тўғри тушунишимиз ҳам керак. Назаримизда шартномаларни тузишда пишиқ-пухталикка риоя қилинмаётган кўринади. Акс ҳолда мавсумнинг исталган палласида ўз мураббийси ёки клуб маъмуриятига: «Айтганимни берасизми... ёки катта ваъда қилинаётган жойга ўтиб кетаверайми», деган масала билан мурожаат этишликни қандай тушуниш керак. Нима, футболчида савия, маънавият деган пўрғикмат тушунчалар йўқми? Наҳотки, фақат моддий манфаатдорликни эътироф этсак. Бу ҳаммаси ҳар бир футболчи, қолаверса, жамоаларда тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйилмаганлигидан нишона. Ўйлаймизки, уйим-жойим, кўчам-маҳаллам, борингки, шаҳрим ва юртим деган эр йигит бундай масалаларда жиддийроқ мулоҳаза юритади.

Футболимиздаги ана шундай кайфият Бирлашган Араб Амирликлари шаҳарларида давом этган Осиё кубоги учун курашда ҳам ўз аксини топди. Аввало шуни айтиш керакки, терма жамоамизга футболчиларни саралашда бироз шошма-шошарликка йўл қўйилди. Бунинг устига барча жавобгарлик ва масъулият бош мураббийнинг зиммасида бўлмоғи керак эди. Терма жамоамизнинг учрашувлари, ўйинчиларимизнинг ҳаракатларидан шу нарса аён бўлдики, футболчилар ва унинг устозлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрликка эришилмаган. Оқибатда ўзига хос парокандаликда йўл қўйилиб, бор имкониятлардан фойдаланилмади. Учрашувларни кўрган исталган мутахассис ёки муҳлисдан сўраб кўрингчи: йигитларимиз умуман ўйнашмади, деган фикрни айтишади.

Тўғри, футболчиларимиз саралаш ўйинларини қийин гуруҳда ўтказишди. Гарчанд қойилмақом бўлмаса-да Хитой жамоасини доғда қолдиришди. Бундан кўнглимиз сув ичиб, йигитлар ютуқдан руҳланиб, навбатдаги учрашувларда «очилишади» деган фикрга бордик. Қаёқда дейсиз. Япония жамоаси билан учрашувда бешбаттар ўйин кўрсатиб, ҳафсалани пир қилишди. Мағлубиятдан мағлубиятни фарқи бўлади-да. Ким янглишмайди дейсиз. Битта тўп ўтказиб юборгандан кейин мудофаага ўтиш ёки қандай бўлмасин ҳисобни тенглаштиришга уриниш керак эмасми? Дарвозадан жавобсиз тўртта тўп ўтказиб юбориш аҳволни мушкуллаштирди. Ҳайтовур учинчи учрашув олдидан японлар Хитойни ютиб, бизга «йўл» очган бўлишди. Шундан ҳам фойдалана олмадик.

Ҳайрон қоласан киши. Гап шундаки, мазкур гуруҳда ўйинларни жуда бўш ўтказган Сурия жамоасидан ҳамма умидини узиб қўйган эди. Бизга эса дуранг қилсак, чорак финал нақд экани аён эди. Бўлмади. Ўйнолмадик. Тасодиф билан 11 метрли жарима тўпи тепилиб, ҳисоб тенглаштирилди-ю ўйин тугашига бор-йўғи 12 минут қолганда яна битта тўп ўтказиб, ярим тунда минглаб мухлисларни мулзам бўлишларига мажбур қилинди.

Фикримизча бундай мағлубиятда терма жамоамиз мураббийларининг мақсадлар муштараклигига эришолмаганликлари ҳам сабаб. Худди машҳур масалда айтилганидек, уларнинг бири учаман деса, бошқаси сузаман деди. Яна бири ўрмалашни маъқул кўрди. Натижада яхши ният билан курашга сафарбар этилган ўйинчиларимиз имкониятлари совурилди. Албатта Амирликка Миржалол Қосимовнинг боролмагани ҳам билинди. Баъзи кишилар эса ёшларда тажриба етишмади дейишса айрим кишилар бунинг аксини айтишди. Ҳар қалай, 20 нафар ўйинчидан ниҳоятда омилкорлик билан жамоа таркиб топтирилганда, бошқа гап бўларди.

Футболимиз халқаро нуфузини ошириш ўрнига, нисбатан обрўсизлантирдик. Ҳаммага маълумки, кубок учун кураш олдидан кўпгина хорижий жамоалар Осиё чемпионлари ҳисобланган ўғлонларимиздан чўчиб туришганди. Билсак, шунинг ўзи ҳам биз учун бир имконият эди. Нима бўлганда ҳам баҳона кўп. Аммо футболчиларимиз мураббийси Баҳодир Иброҳимовнинг ўзини оқлашига ўрин йўқ. У кишининг сўзларига қараганда, Узбекистон чемпионати чўзилиб, йигитлар чарчаб қолган эмиш. Шу ҳам гап бўлди-ю. Нима, Осиё кубоги учун кураш баҳорда бошланса, йигитларимиз ҳали машқларини тобига етказмагандилар, дермидик. Ёки ёзда бўлса, ҳаммани иссиқ ўртаворди, деган баҳона қилармидик. У ёғини сўрасангиз, йигит киши ҳам чарчарканми? Сафар олдидан ҳар бир ўглонга муносиб ваъдалар берилган бўлса...

Бизнингча ҳамма гап юрт ишқида ёнмасликда бўлса керак. Узбекистон деган истиқлол диёрда миллионлаб қоракўзлар футболимизга кўз тутиб турганда кўрсатилган марҳамат шу бўлдими? Халқимизда йиқилган курашга тўймас, деган нақл бор. Ҳамма ҳам янгилишади. Муҳими уни такрорламасликда. Келажаги буюк давлатимизнинг халқаро обрўсини кўтаришнинг муҳим омилларидан саналган футболга катта эътибор бериляпти. Тарихий қарор билан футболимизга пухта пойдевор қўйдик. Эндиги вазифа унинг устига қўйиладиган пурвиқор бинонинг тобора юксалиб боришида. Ўйлаймизки, мамлакатимизда футболни ҳар томонлама оммавийлаштириш, маҳоратли ўйинчилар сафини кенгайтириш, ҳар бир мухлис фахрланиб тилга оладиган жамоаларни шакллантириш учун бизда барча имкониятлар етарли. Фақат бундай имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳар биримизнинг, қолаверса, футбол мутасаддиларининг вазифасидир.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ЁНҒИНДАН САҚЛАШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИНИ ЎРНАТИШ ВА БАЙРАМНИ ЎТКАЗИШ ДАВРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИГА ҲАМДА ШАҲАР АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТИ

Башанг ясатилган Янги йил арчаси ҳар хил чироқлар ёғдусида янада гўзал қиёфа касб этади. Айниқса арча узра отилган поқилдоқлардан сочилган ранг-баранг қоғоз қорлар Янги йил арчасига бетакрор гўзаллик бахш этади. Минг афсуски, шодон ва хушнуд чеҳраларга баъзан ғамгинлик соя солади. Янги йил кечалари гоҳида хавфли ёнғинлар билан тамом бўляпти. Янги йил оқшомида юз берган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатаяптики, жуда кўпчилик ҳолларда ёнғин қўлбола ёритгичлар, бенгал оловлари, олов чиқарадиган арча поқилдоқларидан болаларнинг нотўғри, билар-билмас фойдаланишлари оқибатида келиб чиқяпти.

Ёнғиннинг олдини олиш учун баъзи бир қоидаларга риоя қилиш лозимлигини эслатиб ўтамиз.

Оммавий Янги йил тадбирлари ўтказиладиган хоналар асосан биринчи ёки иккинчи қаватларда жойлашган ва ташқарига чиқиладиган иккита эшиги бўлиши лозим. Бундан баланд қаватларда Янги йил тадбирларини ўтказиш тавсия қилинмайди. Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар яқинидаги махсус бурчакларда ёнғинга қарши асбоблар: ўт ўчиргичлар, кигиз, намат ва шу кабилар тайёр туриши лозим.

Арчалар мустаҳкам тагликларга ўрнатилиши ва у эшик, турли асбоблар ва иситиш батареяларидан узоқроққа ўрнатилиши зарур. Унинг шохлари парда ва дарпардалар, иссиқ материал ва буюмларга ҳеч вақт тегиб турмаслиги керак бўлади. Арчаларни безатишда фақат заводларда тайёрланган электр жиҳозларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Карнавал костюмлари, ўйинчоқлар, поқилдоқлар ёнғинга қарши восита билан ишлов берилган дока ва пахтадан тайёрланган бўлиши керак.

Костюмларни тайёрлашда ва арчани безашда бертоле тузи, магний ва бошқа иссиқ материаллардан фойдаланиш, байрам давомида шам ёқиш, бенгал олови ва мушаклар ёқиш ман қилинади.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, қуруқ ва узоқ вақт туриб қолган синтетик арчаларнинг аланга олиши жуда осон. Бундан ташқари сунъий арчалар ёнғинда ўзидан инсон саломатлиги учун хавфли бўлган захарли газ чиқаради.

Янги йил арча байрамларини катталар назорати остида одамларнинг оммавий қатнашадиган жойларида эса маъмурий навбатчи ва ёнғинга қарши курашга жавобгар шахслар иштирокида ўтказиш даркор. Шунингдек, бу жойда ёнғинга қарши кўнгиллилар отрядларининг аъзолари ҳам бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Янги йил байрам тадбирларини ўтказувчи масъул шахслар ёнғин вақтида одамларни эвакуация қилиш йўллари ва ёнғинга қарши ўт ўчириш воситаларидан фойдалана билишлари лозим.

Агар бахтсиз тасодиф туфайли арча ёки электр симлари ёна бошласа, шошиб қолманг, совуққонлик билан энг аввало электр манбаини узинг. Синтетик материалдан тайёрланган сунъий арчаларга ўт кетса, уни сув билан ўчиринг. Ёки унинг устини қалин материал билан ёпинг. Табиий арчаларни эса сув ва бошқа ёнғинга қарши воситалар билан ўчиришга ҳаракат қилинг. Ёнғинга қарши ёрдам — 01 га ҳам тезлик билан телефон қилишни эсдан чиқарманг.

Энг сўнгги истагимиз. Янги йил арча байрами хонадонингизга шодлик ва осойишталик олиб келсин.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси.

ЛАНИТ ҳиссадорлик жамияти барчани Янги йил билан самимий қутлайди!

"ТАРМОҚ АКАДЕМИЯСИ"
Novell, Microsort, SCO ва IBM нинг Муаллифлаштирилган Ўқув маркази ахборот технологиялари соҳасида юксак малакали мутахассисларни тайёрлайди.

АЛОҚА ВА ЭЛЕКТР АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ТИЗИМЛАРИ
Энг янги технологиялар асосида маҳаллий (минтақавий) телефон алоқаси ва электр асбоб-ускуналари тизимларини лойиҳалаш ҳамда яратиш Узлуксиз кафолатланган электр таъминоти тизимлари.

"ЛАНИТ - КОНДИ" -ХАВОНИ КОНДИЦИОНЕРЛАШ ТИЗИМЛАРИ
Ҳавони кондиционерлашнинг ишончли юксак сифатли тизимларини таклиф этади.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ
Банк тизимлари - электрон тўловлар- телефон бўйича банк - магнитли ва смарт-карт негизида тўлов тизимлари - нафақа жамғармалари учун автоматлаштирилган махсус тизимлар- офислар учун компьютерли телефония.

ЛАНИТ-ТА

ДИСТРИБУЦИЯ
Novell Inc, Microsort, IBM Corp., American Power Convertion, Hewlett Packard, Seiko Epson Corp., AST Research Inc., 3Com, ZyXEL каби ахборот технологиялари соҳасида ишлаётган жаҳондаги 30дан ортиқ энг йирик ишлаб чиқарувчиларнинг дистрибьютери ва ҳамкори ҳисобланади.

ТИЗИМЛИ ИНТЕГРАЦИЯ
Мураккаб тармоқли тизимларни яратишга йўналтирилган. Тизимларни ишлаб чиқариш ва амалга оширишнинг барча босқичлари. Тармоқ технологиялари бозорида етакчи бўлган 3Com корпорациясининг тармоқ интеграцияси муаллифлаштирилган маркази.

МОЛИЯ ВА ОФИС ТИЗИМЛАРИ
Йирик корпоратив мижозлар учун ахборот тизимларини лойиҳалайди ва яратади.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНМАСИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
Ҳужжатларни ва ҳужжат айланмасини бошқариш учун комплекс ечимлар ишлаб чиқади.
- Ҳужжатларни автоматлашган тарзда рўйхатга олиш, сақлаш ва қидириш-Ҳужжатларнинг электрон тасвирларини қайта ишлаш-Электрон почта негизида гуруҳий ишлашни ташкил этиш.

"ЛАНИТ-ТА" ҲЖ, 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 95.
Телефон/факс: (3712) 33-20-99, 30-45-36. E mail: inro@vealine. gimli. com
"ЛАНИТ" ҲЖ, Москва, Доброслободская кўчаси, 5.
Телефон: (095) 267-3038. Факс: (095) 216-5781. E - mail: lanit@lanit. msk. su WWW: http:// www. lanit. msk. su/

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси 1996 йил 25 декабрдан 31 декабргача ип-газлама, шойи газламалар, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари, пойабзалларнинг туширилган нархлардаги

ЯНГИ ЙИЛОЛДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Маҳсулотлар қуйидаги манзилларда сотилади:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Тошкент «Қизил тонг» ҲЖ — МУМ ва Космонавтлар шоҳ кўчасидаги «Қизил тонг» фирма дўконида («Ойбек» метробекати); «Юлдуз» ҲЖ—Амир Темур кўчаси, 60; «Тошкент тўқимачилик комбинати» ҲЖ — «Тўқимачи» фирма дўкони (Қушбеги кўчаси, 6); «Оқолтин» ҲЖ — Навоий кўчасидаги савдо расталари. 1-Тошкент пойабзал ҳиссадорлик жамияти — «Наргиза» дўкони (Бобур кўчаси, 6).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА — Чирчиқ «Ғунча» ҲЖ — Охунбобоев кўчаси, 29 даги фирма дўкони; «Бахт» ҲЖ — Пойабзалчилар кўчаси, 1 даги фирма дўкони.

БУХОРО ШАҲРИДА — «Бухоротекс» ҲЖ — Жубор кўчаси, 162 даги фирма дўкони; «Нақшбандий» ҲЖ — Намозгоҳ кўчаси, 112 ва Навоий шаҳар бозоридаги «Бухоро» фирма дўконлари.

АНДИЖОН ШАҲРИДА — Андижон «Чинор» ҲЖ — Фитрат кўчаси, 255 даги фирма дўкони; Бобур номидаги Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси — Бобур шоҳкўчаси, 73 даги фирма дўкони.

ҚАРШИ ШАҲРИДА — Қарши «Санам» ҲЖ — «Либос» фирма дўкони.

НАМАНГАН ШАҲРИДА — «Наманган шойи ишлаб чиқариш» ҲЖ — Охунбобоев кўчаси, 96 «а» даги фирма дўкони, Наманган «Атлас» ҲЖ — Бобуршоҳ кўчаси, 58 ва «Чорсу» бозоридаги фирма дўконлари.

ҚЎҚОН ШАҲРИДА — Қўқон «Мадина» ҲЖ — Қипчоқариқ кўчаси, 98 ва Шоҳруҳобод кўчаси, 15 даги фирма дўконлари.

САМАРҚАНД ШАҲРИДА — Самарқанд «8 Март» ҲЖ — Навоий кўчаси, 25 даги фирма дўкони.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА — Янгийўл «Кичкинтой» ҲЖ — Низомий кўчаси, 15 даги фирма дўкони.

МАРҒИЛОН ШАҲРИДА — Марғилон «Хонатлас» ҲЖ — Мустақиллик кўчаси, 119 ва Марғилоний кўчаси, 1 даги «Азимжон» фирма дўконлари.

"ЎЗМЕТАЛЛСАВДО"
акционерлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон Республикаси хукуматини,
мамлакатимизнинг барча халқини ҳамда
"Ўзулгуржибиржасавдо" акциоенрлик уюшмаси
ва унинг бўлинмалари ходимларини
кириб келаётган

Янги – 1997 йил билан

самимий қутлайди.
Янги йилда юртдошларимизга
бахт-саодат, сиҳат-саломатлик,
тинчлик-хотиржамлик, ишларига эса
ривож тилаймиз.

"Ўзметаллсавдо" акционерлик жамияти жамоаси.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА